

ТАЪЗИЯ



16:38 / 27.07.2020 1411

Hilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси Тошкент шаҳридаги «Баланд» жоме масжиди имом ноиби Ҳабибуллоҳ домла Исмоиловнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

Йўқотганларининг ўрнини яхшиликлар билан тўлдирсин! Ажрларини улуғ қилиб, офиятида бардавом айласин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

***Islom.uz* портали таҳририяти**